

ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ЗД СКАННЕР ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Оппоқхонов Азизхон Акмалхон ўғли

ИИВ Академияси “Криминалистик экспертизалар
кафедраси” ўқитувчиси

Телефон: +998993080444

E-mail: azizxon.9121@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7104417>

Аннотатсия. Ушбу мақола ходиса жойини кўздан кечиришда ЗД сканердан фойдаланиш имкониятига бағишланган. Суд экспертизаси ва ахборот технологияларининг анъанавий усуллари таққослаш орқали ёритиб берилади. Ўзбекистон Республикасида ЗД-сканердан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар. Хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

Калит сўзлар. жиноят, криминалистик техника, ЗД сканер, ЗД тасвир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари воқеа жойида жиноятларни иссиқ изидан очиш учун кўпинча эксперт-криминалистлар ёрдамига мурожаат қилади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тизимида мавжуд бўлган тор доирадаги мутахассислар ва техник криминалистик воситалар билан таъминланган Эксперт криминалистика хизматини вакиллари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторида Эксперт криминалистика хизматига ҳам катта этибор қаратилмоқда. 2022 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сон Қарори қабул қилинди[1]. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Вазирлик Ҳайъати қарорларида такрор ва такрор равишда жиноятларни очиш ва тергов қилишни эксперт-криминалистик таъминотининг сифатини юксалтириш, Эксперт-криминалистик хизматлар ходимларининг билим савияси ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни ҳал этилиши бир қатор ташкилий ва илмий чоралар мажмуи орқали, жумладан, экспертиза соҳасида янги методларни ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш орқали амалга оширилиши белгиланди, Эксперт-криминалистика хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш,

моддий-техника базасини янгилаш, ушбу хизмат ходимлари – эксперт-криминалистларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эксперт-криминалистлар ўз фаолияти давомида криминалистиканинг мустақил бўлимини ташкил этувчи криминалистик техник воситалардан фойдаланадилар. Бу воситаларга қуйидагилар киради: дактилоскопия, трасология, баллистика, одорология, габитология, фоноскопия, суд фотографияси ва бошқалар[2].

Ходиса жойини кўздан кечиришда криминалистик техниканинг энг кўп қўлланиладиган соҳаси бу - криминалистик фотографиядир. Бироқ, фотосуратлар юқори даражада сифатли бўлмасин, бу усул етарли даражада аниқ ўлчовларни таъминламайди, бу эса муайян иш бўйича сезиларли тарзда салбий натижа кўрсатиши мумкин. Қуйидаги таққослаш орқали фотосуратга олиш ва 3Д сканерлашнинг фарқини яққол билиб олишимиз мумкин.

Суратга олиш ва 3Д сканерлаш қулайлигини аниқлаш учун экспериментчилар самарадорлик ва фойдаланиш қулайлигини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқдилар. Усул техник қийинчилик ва ҳужжатлаштиришга сарфланган вақтга асосланган балл тизимини ташкил этди. Натижалар дарҳол маълум бўлди. Тўлиқ фотографик ҳужжатларни тўлдириш учун роппа-роса 54 дақиқа 30 сония керак бўлса-да, Артес Эва 26 дақиқа ва 1 сонияда анъанавий усулни деярли ярмига енгди. Фарқнинг катта қисми Артес Эва мураккаб геометрияларни такрорлаши мумкин бўлган сониясига 16 квадратгача бўлган тезликка боғлиқ[3].

Ушбу фактга асосланиб, биз 3Д-сканердан фойдаланиш ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Ходиса жойини кўздан кечириш вақтини тахминан 2 баробар қисқартиради, шунингдек сканерлаш тезлиги юқори бўлгани учун (сониясига тахминан 16 кадр) каттароқ аниқликни таъминлайди.

3Д-сканер ҳозирда қатор ривожланган давлатлар полицияси томонидан қўлланилмоқда. Булар қаторига Roswell (АҚШ) бахтсиз ҳодисалар ва жиноятларни тергов қилиш[4] Литва эксперт криминалистик бюроси ва бошқалар. Ходиса жойини кўздан кечириш давомида 3Д сканер узатувчи лазер билан жиҳозланган компьютерга маълумот юборади, кейин дастур жойининг 3Д тасвирини яратади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, расмни бузмасдан катталаштириш ёки кичрайтириш имконини беради шунингдек, 3Д тасвирини олиш учун



нафақат компьютерда, балки iPad, планшет ёки бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Юқори технологияли дастур эксперт-криминалистларга тасвирни хоҳлаган тарзда манипуляция қилиш имконини беради. Улар далилларни жойлашган жойлари хаттоки ўлчамларигача аниқлаб бериши мумкин, чунки бу 3Д тасвирлар жойни бир неча миллиметр аниқликдаги ўлчайди.

Бундан ташқари, далилларни мақбуллиги ва уларнинг жойлашган жойини суд жараёнида аниқ ифодалаб бериш мумкин бўлади.

Фотосуратга олинган тақдирда бундай аниқликка эришиб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, криминалистик усул сифатида 3Д сканердан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, назарий жиҳатдан мумкин ва зарур. Бунинг учун қуйидаги тўсиқларни енгиб ўтиш лозим.

Биринчидан, криминалистик техник воситаси сифатида 3Д сканерни жорий этиш ва жиноятларни очишда давлатдан катта миқдорда маблағ талаб қилади.

Иккинчидан, 3Д сканерлаш ва 3Д тасвирлашдан фойдаланиш учун Эксперт-криминалистларни янги маълумотлардан тўғри фойдаланиш учун қайта тайёрлаш талаб қилинади.

Бундай ҳолда, чет эл тажрибасидан фойдаланиш зарур бўлади. 3Д сканерлаш соҳасида хорижий мутахассисларни таклиф қилиш ва тезлаштирилган самарали курс ўтказиш мумкин.

Учинчидан, криминалистик техник воситаси сифатида 3Д сканерни жорий қилиш учун тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш зарурати туғилади. Афсуски, қонунчилик жараёни ҳам катта вақтни олади[5].

Шундай қилиб, бир қатор муаммолар мавжудлигига қарамай, 3Д сканернинг амалий қўлланилиши имкониятларни кенгайтиради айрим воқеа жойларида холисларсиз кўздан кечириш имкониятини беради.

21 аср - ахборот технологиялари асри ва уларга ўтиш даври. Ушбу техниканинг Ўзбекистон Республикасида амалда қўлланилиши самарадорликка ижобий таъсир қилади, хорижий давлатлар жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш тажрибадан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралда “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сон Қарори.

2. Т.Б.Маматқулов, А.Б.Бабамуродов, Ф.Э.Тўраев ва бошқ. Криминалистик техника: Маърузалар курси – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 200 б.
3. 3D-сканирование и фотографирование сравнили на практике как методы криминалистической экспертизы [Электронный ресурс]: сайт // URL:
<https://www.artec3d.com/ru/news/3d-scanning-tested-against-photography-inautopsy/> (03.08.2022).
4. Полиция США использует 3D сканер, чтобы воспроизводить несчастные случаи и места преступления [Электронный ресурс]: сайт // URL: <http://www.3dindustry.ru/article/1868/> (дата обращения 23.02.2019).
5. Маннова Анастасия Алексеевна, Рожкова Владислава Ренадовна Южно-Уральский государственный университет. 3d-сканер: инновации в области криминалистики.